

**“Асака” банк  
646 - сон билан  
рўйхатга олинди**

**“Асака” банк  
Акциядорлар умумий йиғилишининг  
2016 йил 10 июндаги  
01- сонли Баённомаси билан**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“АСАКА” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ  
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**1. УМУМИЙ ҚИСМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган 2000 йил 5 июлдаги 943-сонли “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда Банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Тафтиш комиссиясининг мақоми, таркиби, функциялари, ваколатлари, ишлаш тартиби ҳамда “Асака” ациядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – “Банк”)нинг бошқарув органлари билан ҳамкорлик муносабатларини белгилаб беради.

**2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

3. Тафтиш комиссияси Банк органи ҳисобланиб, унинг фаолияти устидан ички молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади.

4. Тафтиш комиссияси акциядорлар учун Банк фаолияти устидан назорат олиб боришнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

5. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат бошқаруви органларининг қонун ости ҳужжатларига, Банк Уставига, мазкур Низом талабларига ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ҳамда Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тегишли бўлган Банкнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

**3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИ**

6. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳар бир номзод бўйича овоз бериш алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибига киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7. Тафтиш комиссияси беш кишидан иборат таркибда 1 йил муддатга сайланади ва акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра унинг ҳуқуқларини узайтириш мумкин.

8. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

9. Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс тафтиш комиссияси аъзолигига кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

#### **4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ**

10. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11. Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Банк Бошқарувида мансабни эгаллаб турган шахслар Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

12. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

13. Банк Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

14. Банк Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори Тафтиш комиссиясига қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

15. Банк Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

16. Ўз функцияларини бажариш пайтида Тафтиш комиссияси қуйидаги турдаги ишларни амалга оширади:

а) Банк молиявий ҳужжатларини, мол-мулкни тафтишдан ўтказиш бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини тузиш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

б) Банк номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

в) юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

г) Банкнинг молиявий-хўжалик, Банк фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

д) Банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларининг ликвидлилигини, ўз ва жалб қилинган маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, иқтисодий ҳолатини яхшилаш, заҳиралар яратиш, Банк бошқаруви органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

е) давлат солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Банк баланси, ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш;

ж) Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг Банк Уставига, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомга ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;

з) акциядорлар Умумий йиғилишлари қарорларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан тафовут қилган тақдирда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

## **5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

17. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқ ва ваколатларга эга:

а) Банк бошқаруви органларидан, унинг бўлинмалари ва мансабдор шахсларидан унинг иши учун зарур бўлган, Тафтиш комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган ва Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги барча ҳужжатларни, унинг ёзма равишдаги талабига асосан олиш;

б) Банк молиявий-хўжалик фаолиятида қонунбузарликлар аниқланган ёки Банк манфаатларига зарар етказувчи ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда ваколатли шахслардан Банк Бошқарувини, Банк Кенгаши мажлисларини, акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

в) Текширув давомида ички аудит ва мустақил аудиторлар томонидан амалга оширилган текширув натижалари бўйича материаллардан фойдаланиш. Зарурий ҳолатларда Тафтиш комиссияси бухгалтерия ҳисобининг бошланғич ҳужжатларига муурожаат қилиш;

г) Банк ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахслардан Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

д) Банк Бошқаруви органлари олдида, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда Банкнинг ички Низом, тартиб ва қоидаларини бузганликлари тақдирда, Банк ходимлари, шу жумладан, мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

е) текшириш ўтказилгандан кейин Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси 30 минимал иш ҳақи миқдорида ҳар йили мукофот пули олиш.

## **6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

18. Тафтиш комиссиясининг асосий мажбуриятлари бўлиб, Банкда тайёрланган молиявий ҳисоботларни текшириш, Банкнинг умумий молиявий ҳолати бўйича ҳолисона ҳулоса тайёрлаш ва акциядорлар умумий йиғилишида ва унга қадар комиссия фаолияти бўйича ҳисобот тайёрлаш.

19. Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзусига тегишли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдирлар. Нотўғри ҳулосалар берганлиги учун Тафтиш комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

20. Агарда берилган ваколатлар амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришни тўхтатиш хошибини билдирса, ушбу ҳақида у Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин Банк Кенгашини хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштириш юзасидан масалани кўриб чиқади.

21. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

а) амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижалари, Банк Бошқаруви органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар ва маърузаларни ахборотлар шаклида акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви эътиборига ўз вақтида етказиш;

б) тижорат ва банк сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

в) Банк манфаатига ҳақиқатда хавф таҳдиди пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суистеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.

22. Тафтиш комиссияси Банк Кенгашига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши учун молия ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисоботлар ҳамда баланслар бўйича хулосани ўрнатилган тартибда тақдим этади. Ушбу хулоса мавжуд бўлмаса, акциядорлар умумий йиғилиши балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

23. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

24. Тафтиш комиссияси Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Банк Кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Низомнинг 23 банди а) ва б) қисмларида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

25. Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни Банк оддий акцияларининг камида 10 фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки Банк Кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказади.

## **7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ**

26. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилиш қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда Тафтиш комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

27. Унда комиссия аъзоларининг камида 50 фоизи иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади.

28. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

29. Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни Банк Бошқаруви, Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

30. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан Раис ва Котибни сайлайди.

31. Тафтиш комиссияси Раиси мажлисларни чақиради ва ўтказади, Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади, Банк Бошқаруви, Банк Кенгаши

мажлисларида, акциядорлар умумий йиғилишида унинг номидан вакил бўлади комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

32. Тафтиш комиссияси Котиби унинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади, Тафтиш комиссияси далолатномалари ва хулосаларини тегишли манзилларга етказди, комиссия номидан чиқадиган ҳужжатларга имзо чекади.

## **8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

33. Ушбу Низом тасдиқланган кундан бошлаб [“Асака” банк Акциядорлари умумий йиғилишининг 2009 йил 29 июндаги 2-сонли Баённомаси билан тасдиқланган 418-сонли “Асака” акциядорлик тижорат банкининг тафтиш комиссияси тўғрисида](#)”ги Низом ўз кучини йўқотади.

### ***Киритилди:***

**Ҳазначилик Департаменти бошлиғи**

**И. Исканов**

### ***Келишилди:***

**Бошқарув Раиси**

**А. Ахмедхаджаев**

**Бошқарув Раисининг  
биринчи ўринбосари**

**Р. Касимов**

**Бошқарув Раиси ўринбосари**

**О. Норинбаев**

**Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий  
назорат Департаменти бошлиғи**

**З. Галинова**

**Юридик бошқарма  
бошлиғи**

**М. Пулатова**

**Банкнинг инвестицион  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва  
мониторинг қилиш Департаменти  
бошлиғи**

**Ж. Умаров**

**Банкнинг ички аудит хизмати  
бошлиғи**

**А. Қариев**

**Иқтисодий таҳлил, стратегик  
ривожланиш ва методологик  
ишларни мувофиқлаштириш  
Департаменти бошлиғи**

**А. Бахрамов**